

Менинг бу дунёдаги кунларим жуда оз колди энди.

Энди Антиб якинида, бандаргохга кўшни бўлган Денгизбўйи Альпида бир вақтлар Бернар хакида килган кайдларим тез-тез ёдимга тушади.

— бернер деразамга бир сиким кум отган пайтда мен донг котиб ухлаб ётардим...

Мопассаннинг «Сувда» хикояси ана шундай бошланади, 1888 йилнинг 6 апрелида, «Бальямий» яхтаси Антиб бандаргохини тарк этиши олдидан, Бернар Мопассанни шу тахлит уйготган эди.

— Деразани очишим билан юзимга, кўксимга ва вужудимга туннинг фарахбахш эпкини урилди. Кўкдаги харир мовийлик юлдузларнинг жонли жилвасидан титраб турарди...

— Хаво бугун айни муддао, жаноб.

— Шамол-чи?

— Сохилдан эсяпти, жаноб.

Орадан ярим соат ўтди, улар энди аллакачон очик денгизда эдилар:

— Уфк бўзариб борар, олисда, Фаришталар кўрфази ортида Ниццанинг чироклари, ундан хам олисрокда эса Вильфраншнинг айланиб турувчи маёги кўринар эди... Хали ўзи кўзга ташланмаётган бўлса-да, лекин кор билан коплангани сезилиб турган тоғлардан баъзан курук ва совук хаво эпкини келиб турарди...

— Бандаргохдан чиқишимиз биланок яхтага гўё жон кирди, яйраб кетди, тезлиги ошди, енгил ва майда мавжлар узра ракс туша бошлади... Тонг ёришиб борар, юлдузлар бир-бир ўчар эди... Хув олис кўкдв. Ницца устида Юкори Альпнинг корли чўккилари аллакандай ўзгача бир пушти ёлкинга чулганиб борарди...

— Мен куёш чйишини томоша килиш максадида рулни Бернарга бердим. Кучая бошлаган шабада яхтани титрок тўлқинлар узра олга хайдарди, мен кандадир, олисларда янграган кўнгирик садосини эшитдим. Angelus бонг чаларди... Одамлар хали уйкуда ётган, лекин замин аллакачон уйгонган мана шу майин, шаффоф тонг палласини накадар яхши кўраман! Тўйиб нафас олвсан, мусаффо хавони симирасан, биз учун абадий сирли ва буюк изтиробга айланган дунёнинг гугилиб келаётган борлигини кўрасан киши!..

— Бернар — озгин, чаккон, хайратланарли даража-да озодалик ва сариштаяикка ружу кўйган, гамхўр сезгир, У покдил, садокатли инсон, ажойиб денгизчи...

Булар Бернар хакидаги Мопассаннинг сўзлари. Бернар эса ўзи хакида мана бундай деган эди.

— Мен ёмон денгизчи эмасдим, деб ўйлайман.

Буни у ўлими олдидан айтган, бу унинг «Бальямий» 1888 йилнинг 6 апрелида, денгизга йўл олган ўша Антибда, ўлим тўшагида айтган сўнгги сўзлари эди!

Ўлимидан бир оз илгари Бернарни кўрган киши шундай хикоя килади:

— Кўп йиллар мобайнида Бернар буюк шоирнинг денгизда кечган саркаш хаётига хамрохлик килди, Мопассан то ўша машъум сафарга, Парижга, доктор Бланш хузурига йўл олгунига қадар Бернар ундан айрилмади.

— Бернар ўзининг ўша Антибида хаётдан кўз юмди. Лекин мен уни яқиндагина кўпинча «Бальямий» лангарда турадиган мўъжаз Антиб бандаргохининг нурафшон сохилида кўрган эдим.

— Баланд бўйли, котма, юзлари денгиз шўридан дагаллашган Бернарни гапга солиш осон эмас эди. Бирок сухбат мавзуи Мопассанга бориб такалдими, бас, мовий кўзлари шу ондаёқ жонланиб кетарди, Мопассан хакида у шундай тўлқинланиб сўзлардики!..

— Энди у абадий сукут кўйнига чўмган. Унинг сўнгги сўзлари шу эди: «Мен ёмон денгизчи эмасдим, деб ўйлайман».

Мен бу сўзларни у айнан кай тахлит айтганини як-кол тасаввур киламан. Бу сўзларни у катъият ва ифтихор билан, офтобдан корайган, кариликдан курукшаган кўллари ила чўкина туриб айтган:

Хўш бу сўзлар билан у нима демокчи бўлган? Бу дунёга келиб, яхши денгизчи сифатида одамларга наф еткаэганидан ифтихор туйгусими бу? Йўк: тангри хар биримизга хаёт ила муайян бир истеъдод хам ато этганини ва уни тупрокка кориштирмасликдек мукаддас бурчни зиммамизга юклаганини айтмокчи эди у. Хўш, булар нима учун керак? Бунни билмаймиз, Бирок биз тубига хеч қачон етиб бўлмайдиган бу дунёда хар бир мавжудот учун маъно ва дунёдаги хамма нарсанинг «яхши» бўлиши учун қандайдир мақсад зарурлигини, бу илохий мақсадга етишмок эса бизнинг тангри олдидаги хизматимиз, айни пайтда хам кувончимиз, хам ифтихоримиз эканини билишимиз шарт. Бернар буни яхши билар ва хис килар эди. У зиммасига худо юклаган камтарин бурчни умр бўйи муносиб ихлос ва садокат билан адо этди, тангрига кўрканидан эмас, виждонан хизмат килди. Шундай экан, у умрининг сўнгги дакикаларида ўша сўзларни айтмаслиги мумкинмиди? «Банданг тавбасини даргохида қабул айлагувчи эй бирубор тангри таоло, сенга ва одамларга карата бугун шуни айтишга журъат этаманки, мен ёмон денгизчи эмасдим, деб ўйлайман».

— Денгиздаги бирон бир нарсага Бернар бефарк караёлмас эди, деб ёзади Мопассан: ногахон дуч келган, қайдадир очик денгизда шамол эсаётганидан далолат берувчи совук окимга хам, гарбда изгирин шамол турганини англатувчи Эстерел кўкидаги булутларга хам... У яхтани шу қадар озода саклардики, хатто кеманинг мис копланган қайсидир бир қисмига тушган денгиз томчисига хам чидаб туролмас эди...

Ажабо, Бернарнинг бу томчини дархол артиб олишидан қимга наф бўлиши мумкин? У эса албатта артиб кўяр эди. Хўш, нега? Нима учун?

Ахир, хаммаси «яхши» бўлишини хатто худонинг ўзи хуш кўради-ку! Бернар хам ўз ижодининг «яхши» эканини кўриб, ўзи кувонар эди.

Назаримда, сўнгги кунларим билан хўшлашар эканман, мен бир санъаткор сифатида, ўз хақимда ўлими олдидан бир пайтлар Бернар айтган ўша сўзларга ўхшаш гапни айтишга хақким бор, деб ўйлайман.

А. ШЕРМУХАМЕДОВ таржималари